# 2008 йил – Ёшлар йили

**Ҳар бир миллат камолга етиб келаётган ёшларда ўз келажагини кўради. Шуни ҳисобга олиб, давлатимиз раҳбари мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ янги авлод тарбиясини давлат сиёсати даражасига кўтариш, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳаларда бошланаётган ислоҳотларни шу мақсадга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратди. 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб номланиши, ҳар жиҳатдан баркамол авлод тарбиясининг барча йўналишлари қамраб олинган Давлат дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётганлиги бу йўлдаги салмоқли қадам бўлди.**

## ҲАР БИРИМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Ёшлар йилида шаҳримиз жамоатчилиги ҳам кенг қамровли режаларни рўёбга чиқармоқда. Биласизки, Олмалиқ нафақат вилоятимизда, балки бутун мамлакатда ўзининг қудратли саноат корхоналари, малакали ишчи, муҳандис-техник кадрлари билан ном қозонган. Меҳнат жамоаларимиз аъзоларининг ярмидан кўпи ёшлар. Уларнинг ҳаммаси мустақиллик йилларида вояга етган, ўқиб етишган малакали мутахассислар. Табиийки, бу шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этиб боряпти.

Ёшлар йилининг дастлабки 9 ойида саноат корхоналаримиз амалдаги нархларда 683 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, аҳолига пуллик ва маиший хизмат кўрсатиш соҳалари жадал ривожланмоқда. Саноат корхоналарининг экспорт салоҳияти йил сайин ортиб бораётир. Ўтган тўққиз ой мобайнида 375,1 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Бу кўрсаткич олдинги йилнинг шу давридагидан 88,3 миллион долларга кўпайганлиги ҳисобга олинса, бу борадаги ўсиш қанчалик жадал тус олганлигини илғаш қийин эмас.

Албатта, бу ва бошқа муваффақиятларимизда ёшларимизнинг ҳиссаси салмоқли. Ўзларининг ажойиб меҳнат ютуқлари билан мамлакатимизда довруқ қозонган донгдор экскаваторчилар, кончилар, металлурглар, кимёгарлар ва қурувчиларнинг анъаналарини давом эттириб, йигит-қизларнинг янги-янги авлодлари "ОКМК", "Аммофос" сингари корхоналаримиз жамоаларида муносиб ўрин эгалламоқдалар.

Ўсмирларни касбларга йўналтириш, меҳнат кўникмаларини ёшликдан эгаллашларини кўзлаб, шаҳримиздаги қурилиш, кончилик, саноат, кон-металлургия касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник базаси йил сайин мустаҳкамланмоқда. Шу ўринда ўқувчиларга, уларнинг моддий-маиший эҳтиёжларини қондиришга оид биргина рақамни эслатиб ўтмоқчиман. Ёшлар йилининг дастлабки 9 ойи мобайнида коллеж ўқувчиларига нафақа ва моддий ёрдам тариқасида бюджет маблағлари ҳисобидан 36,2 миллион сўм сарфланди.

Иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олиб, бўш иш ўринларини аниқлаш, кадрларга бўлган талабни ўрганишнинг самарали тизимини жорий этдик. Шу асосда 2075 битирувчи шаҳримиздаги олтита касб-ҳунар коллежига қабул қилинди.

Таълим муассасаларини қуриб ва реконструкция қилиб, уларни замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси билан мукаммал жиҳозлаётирмиз. Шу мақсадлар учун тўққиз ойда "Ёшлар йили" дастурида белгиланганидан ҳам кўпроқ – 6 миллиард 70 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ёш авлодни юксак маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда фуқаролик фаоллигини кучайтириш асосий мақсадимизга айланди. Уни рўёбга чиқаришда маҳаллий ҳокимият идоралари, таълим муассасалари, ҳуқуқ-тартибот органлари, ёшлар ташкилотлари, маҳалла фаоллари ва ота-оналар ҳамкорлиги муҳим ўрин тутмоқда. Маданият ва ижодиёт марказлари шу мақсадга хизмат қилмоқда. "Биз – Ўзбекистон ёшларимиз!", "Биз – бир жамоамиз!", "Шу азиз Ватан – барчамизники!" шиорлари остида ўтаётган ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий тадбирлар, анжуманлар, ёшлар форумлари йигит-қизларимизда она-Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантираётир.

Ёшлар йили режалари барча соҳаларда изчил бажарилиши таъминланмоқда. Чунончи, ёш оилалар имтиёзли банк кредитлари ажратиш, бевосита корхоналарда моддий ёрдам кўрсатиш йўли билан қўллаб-қувватланмоқда. Ипотека банк, Миллий банк, Ҳамкорбанк, Халқ банкининг шаҳар бўлимлари томонидан жами 51 оилага саккиз ойда 507,3 миллион сўм кредит ажратилди. Айни пайтда Бўстон маҳалласида 60 та ёш оилага мўлжалланган уй қурилиши давом эттириляпти. Ҳозиргача 216 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Бугун боғча ва мактабларда, лицей ва коллежларда тарбияланаётган ёшларда ўз келажагимизни кўрамиз. Уларни шу азиз Ватанимизга муносиб фарзандлар қилиб тарбияласак, соғлом, бақувват, билимдон йигит-қизларни вояга етказсак, ўз олдимизга қўйган мақсадимизни уддалаган бўламиз, эртанги кунга ишончимиз кучаяди. Бугунги барча саъй-ҳаракатларимиз шунга қаратилган. Ёшлар тарбияси – мамлакатимиз келажаги олдидаги муқаддас бурчимиз. Уни сидқидилдан адо этиш учун қанчалик иштиёқ билан ишласак, изласак, шунча оз.

**Раҳматилла НУРМАТОВ,**
**шаҳар ҳокими ўринбосари.**



## ЕТАКЧИЛАР ИЗЛАНИШДА

**Шаҳримизда компьютер технологиясини ўрганиш курслари ташкил этилди. Унда кам таъминланган оила фарзандлари уч ой мобайнида бепул ўқитилмоқда.**

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши мактаб ва коллежлар етакчилари орасида "Намунали етакчи" танловини ўтказди. Конкурс ғолиблари эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ҳаракатимиз ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказишга эътиборни кучайтириб, бир қатор ишларни амалга оширди. Чунончи, "Камолот" ёшлар маслаҳат маркази, компьютер клуби ҳамда "Шерзод" каратэ спорт зали таъмирланди. Бу машғулотлар савиясини яхшилаш имконини бераяпти.

**Улуғбек АБДУРАИМОВ,**
**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши раиси.**

*Ифтихор*

## MADE IN UZBEKISTAN

**Қўшма корхонамиз бундан бир ойгина аввал ўз фаолиятини бошлади. Жамоамизнинг ҳар бир аъзоси биринчи иш кунида эзгу ниятлар тилаб, ишга киришди. Ҳамкасбларимнинг аксарияти – ёшлар.**

Айниқса, биринчи маҳсулотни қўлга олганимизда ҳаммамизнинг кўзимизда севинч ёши қалқиди. Чунки айнан бизнинг меҳнатимиз билан "MADE IN UZBEKISTAN" тамғаси остидаги маҳсулот ишлаб чиқарилган эди-да!

Тўғридан-тўғри инвестиция киритилиши ҳисобига Ўзбекистон-Германия қўшма корхонамиз бунёд этилди. У сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган. Сут, кефир, қаймоқ, творог, сметана ишлаб чиқармоқдамиз. Биз уларнинг сифатига, ёғлилигига ҳамда тўйимлилигига жиддий эътибор берамиз. Шу сабаб бўлса керак, доимий мижозларимиз кўпайиб бораяпти. Бошида маҳсулотимизни фақат шаҳримиздаги дўконларга чиқарардик. Энди эса Пискент ҳамда Оҳангарон туманларига ҳам жўнатмоқдамиз. Ўн киши меҳнат қилаётган корхонамизда кунига 3 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотларимиз технологик линиялардан чиқиши биланоқ мижозларнинг транспортига юкланади.

Дарвоқе, ишчиларга яратилган шарт-шароитлардан ҳам мамнунмиз. Ҳозир ўртача ойлик маошимиз 70 минг сўм. Келгусида маошимизни оширишга ҳаракат қилинаяпти. Бир маҳал бепул иссиқ овқат тайёрланади. Бундан ташқари, ишга келиб-кетишимиз учун транспорт хизмати ҳам йўлга қўйилган.

**Ботир СУЛТОНОВ,**
**"Олмалиқ Ост-Милч" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси цех бошлиғи.**

**СУРАТДА:** цех бошлиғи Ботир Султонов ва технолог Мунаввар Ҳайдарова маҳсулот сифатига жиддий эътибор беришади.

*Сўз – жаҳон чемпионати совриндорига*

## КЕЛГУСИ ЙИЛ ОЛТИН БЎЛАДИ

**Жанубий Кореянинг Бусан шаҳрида белбоғли кураш бўйича катталар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида 30 дан зиёд давлат полвонлари гиламга чиқишди. Дунёга донғи кетган спортчилар қаторида менинг номим ҳам тилга олинди.**

Мусобақа уч вазн тоифасида ўтказилди. Мен 90 килограмм вазн тоифасида гиламга тушдим. Ватанимиз номи билан менинг исм-шарифим қўшиб айтилиши, томошабинларнинг гулдурос қарсаклари мени тўлқинлантириб юборди. Саралаш, нимчорак ва чорак босқичларда Монголия, Эрон ва Эстония полвонлари билан курашдим. Тўғрисини айтиш керак, уларни енгиш осон бўлмади. Шунга қарамай, бор куч ва маҳоратимни ишга солиб, учала рақибимнинг курагини ерга теккиздим, финалга йўлланма олдим.

Финалда кореялик спортчи билан тўқнаш келдим. Кўтаринки кайфият, ички ишонч ҳамда залдагиларнинг қўллаб-қувватлаши менга далда бўлди. Лекин ҳисобда озгина адашдим. Рақибимнинг кучига тан бердим. У олтин, мен эса кумуш медаль соҳиби бўлдик.

Ватаним олдида юзимни ёруғ қилиб турган кумуш медаль бугун қўлимда. У навбатдаги чемпионатда олтин медаль олишимга руҳ бағишлаяпти. Мана кўрасиз, келгуси йил Латвияда катталар ўртасида ўтадиган жаҳон чемпионатида олтин медаль меники бўлади. Бунга ишончим комил.



Менинг нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, ютуқларни қўлга киритишим учун Олмалиқ кон-металлургия комбинати яқиндан ёрдам бераяпти. Моддий ва маънавий рағбатни айнан шу корхонадан олаяпман. Дарвоқе, мен комбинатнинг қўриқлаш хизмати ходимиман.

Иш кунини якунлагач, севимли масканимиз – "Металлург" спорт клуби томон шошиламан. У ерда мени клуб раҳбари Владимир Башкиров кутиб турган бўлади. Машғулотни неча соат давом эттиришим, қайси машқларга кўпроқ эътибор қаратишим кераклиги, олдинда қандай мусобақалар кутаётганлигини тез-тез эслатиб туради. Шунда спортимиз учун фақат мана шундай жонкуяр, фидойи инсонлар керак деган ўй хаёлимдан ўтади.

**Ғолиб АҲМЕДОВ,**
**"Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти қўриқлаш хизмати ходими.**

## ОЛМАЛИҚ: ДУНЁГА ЮЗ ТУТГАН ШАҲАР КЕЛАЖАГИ ЯНГИ АВЛОД ҚЎЛИДА

- **Шаҳарда 120 минг аҳоли истиқомат қилмоқда. Уларнинг 51 фоизи ёшлар.**
- **Халқ хўжалигида 40 мингга яқин киши меҳнат қилади.**
- **Шаҳар саноат корхоналари йилига 1150-1215 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқармоқда.**
- **Саноат корхоналари бу йил 827,2 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш ҳаракатида.**
- **Шаҳардаги 6 та коллеж ва 24 та умумтаълим мактабида 20 мингга яқин ўқувчи билим олмоқда.**

## ЭНДИ ЎЗ УЙИМИЗ БОР

**Ёшлар йили оиламиз учун баракали келди. Турмуш ўртоғим Олмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли транспорт бошқармасида ҳайдовчи бўлиб ишлайди. Ўзим эса шаҳар марказий шифохонасида ҳамшираман.**



Ҳозирча бола тарбияси билан машғулман. Уч ўғилнинг ота-онасимиз. Катта ўғлимиз Беҳзоджон 6 ёшда, ўртанчаси Сирожиддин эса, 4 ёшга тўлди. Кенжатойимиз Аслиддин 1 ёш. Турмуш қурганимиздан бери қайнота-қайнонамникида яшаб келаётган эдик. 6 сотихли ҳовлида 10 жон истиқомат қилардик. Устига-устак, икки овсин бирга эдик. Тўғри, ҳаётимиз ёмон эмасди. Аҳил, иноқ, қолаверса, топганимизни ўртада баҳам кўрардик.

Болалар туғилгач, уйимиз торлик қила бошлади. Шунда қайноғам ёш оилаларга банк кредити берилаётганини айтиб қолдилар. Бошида бундай имкониятдан фойдаланиб, кредит олсак-да, вақтида тўлолмасак керак деб ўйлагандик. Шундай бўлса-да, тегишли ҳужжатларни йиғдик. Орада топган уйимизнинг эгаси билан кредит орқали олди-сотди қилишимизни айтиб, келишиб олдик. Банкка ҳужжатларни тақдим этганимиздан 10 кун ўтиб, кредит шартномаси тузилди. Ишонасизми-йўқми, биз ипотека кредити берилишини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 15 йил муддатга 5 фоизли имтиёзли кредит маблағини олдик. Бошида унинг 25 фоизи, яъни 3,5 миллион сўмни ўзимиз тўладик, қолган 10,5 миллион сўмини "Ипотека" банкининг шаҳар филиали тўлаб берди.

Орадан уч ой ўтар-ўтмас, биз уч хонали уйимизга кўчиб кирдик. Коммунал хизматлардан умуман шикоятимиз йўқ. Ҳозирча ойма-ой имтиёзли белгиланган суммани тўлаб бораяпмиз. Кредитни тўлаш шартлари бизни умуман қийнамаяпти. Рўзғоримиз ҳам бут.

**Малика БОЙСУПОВА,**
**шаҳар марказий шифохонаси ҳамшираси.**

**СУРАТДА:** Малика Бойсупова ва унинг фарзандлари ўз уйларига эга бўлганларидан жуда хурсандлар.

## ҚИСҚА ХАБАРЛАР

Фанлар бўйича олимпиадаларда Олмалиқ мактаблари ўқувчилари ҳар томонлама чуқур билим олишаётганини намойиш этишди. Унинг республика босқичида 16-мактаб ўқувчиси Юлия Крупина иқтисод, 19-мактаб ўқувчиси Зулфия Қосимжонова рус тили фанлари бўйича муваффақиятли иштирок этишди.

**Каримжон ҚОСИМОВ.**

* * *

Шаҳар ўқувчиларининг ижодиёт марказида иқтидорли ёшлар учрашуви ташкил этилди.

Ўқувчилар етти йўналиш бўйича ўз салоҳиятларини намойиш этишди. Танловда қатнашган 200 дан ортиқ ўқувчининг 44 нафари ғолиб деб топилди. Улар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Қобил РАЖАБОВ.**

* * *

Ўқувчи-ёшларда олис-яқин ўтмиш воқеа-ҳодисаларига қизиқиш кучайиб бормоқда. Улар махсус дарслардан ташқари турли тўгарак ва марказлардаги машғулотларда мамлакатимиз тарихини ўрганиб, осориатиқалар, аждодларимиз мероси билан танишмоқдалар.

Ўқувчиларнинг бу борадаги билимларини синаш ва чуқурлаштириш учун турли танловлар, тест синовлари ўтказилаётир. "Сиз тарихни биласизми?" танловида 18-мактаб гуруҳи ғолиб чиқди.

**Комила ҲАКИМОВА.**

## МУҲИМИ – САЛОҲИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ

**Ўқитиш савиясини кўтариш, таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш баркамол янги авлодни тарбиялашда тобора муҳим ўрин тутмоқда.**

Бунинг учун устозлар ва ўқувчи ёшларга етарли шарт-шароитлар яратилиши керак. «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» Фармон вазифаларини амалга ошириш бунга эришишнинг ҳал қилувчи омили бўлиб қолмоқда.

Дастурга асосан, шу йилнинг ўзида 8-, 10-мактаблар капитал реконструкция қилинди, 19-мактаб капитал таъмирланди.

Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўқув лабораториялари жиҳозланаётир, компьютер хоналари ташкил этилмоқда.

Биз олий маълумотли ёш ўқитувчиларни мактабларга жалб қилаяпмиз. Бунинг учун алоҳида ишчи гуруҳи ташкил этдик. У таълим муассасаларимизнинг барча фанлар бўйича олий маълумотли ўқитувчилар ва педагоглар билан таъминланишини ўрганиб, тегишли таклифлар киритмоқда. Шу асосда олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган, талабалар амалиётни мактабларимизда ўташмоқда.

Таълим муассасаларимизда дарсдан ташқари тарбиявий ишлар кенг оммалаштирилаётир. Шунинг натижасида 336 та тўгарак ташкил этишга эришдик. Машғулотларда 10 минг 389 ўқувчи иштирок этаётир. Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги 225 та тўгарак машғулотларига эса, 2596 ўқувчи жалб қилинган. Бошқача қилиб айтилса, ҳар тўрт ўқувчининг уч нафари муайян фан ёки касбий тўгарак машғулотларига қатнашмоқда.

Ўқувчилар ижодиёти марказида 28 йўналиш бўйича 142 та гуруҳ фаолият юритмоқда. 1610 ўқувчи ўз қизиқишларига кўра уларнинг бирида шуғулланиб, ижодий салоҳиятини мукаммаллаштираяпти. Техник ижодиёт марказида ҳам 83 та тўгаракда 19 йўналиш бўйича машғулотлар ўтказилиб, уларда 986 ўқувчи шуғулланмоқда.

Биз мактаблар ва ундан ташқари таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини яхшилай бориб, машғулотлар самарадорлигини оширишга эришмоқдамиз. Бу ёшларимиз ўз иқтидорларини намоён этишлари учун янада кенг йўл очаяпти.

**Зуҳра ВАҲОБОВА,**
**халқ таълими бўлими мудири вазифасини бажарувчи.**

**Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Хуршида НАЗАРОВА ва Еркебой БОТИРОВ (суратлар) тайёрлади.**

